



Ёшлар — Ўзбекистоннинг бебаҳо хазинаси

ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА САЛОҲИЯТЛИ
АВЛОД — БАРҚАРОР
ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРИ

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси
раиси ўринбосари

Давлатимиз раҳбарининг парламентга йўлаган Мурожаатномаси нафақат халқимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ушбу Мурожаатномада 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилиши кейинги вақтларда мамлакатимизда изчил амалга ошириб келинаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг жорий йилда ҳам тизимли равишда давом эттирилишидан далолат беради.



Рустам Назарматов олган сурат.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилган эътибор мутлақо янги тамойиллар асосида йўлга қўйилиб, бу борадаги устувор сиёсат ҳаётий натижаларини бера бошлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан бешта муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши, 30 июнь санасининг мамлакатимизда “Ёшлар кунини” деб эълон қилиниши, ўтган уч

йилнинг ўзида ёшларга оид элликдан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилингани, Сенатда Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Қонунчилик палата-сида эса Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва “Ёшлар клуби”нинг ташкил этилиши, қуйи ва юқори палата қошида “Ёшлар парламентлари” фаолиятининг йўлга қўйилиши ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини таъминлаб келмоқда.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг жадал тараққий этиши, барча соҳаларда салмоқли ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ёшларга яратиб бериладиган имконият ва қулайликлар билан чамбарчас боғлиқ. Яъни мамлакат тараққиётига қиритиладиган энг юқори самарали сармоя ёшлар таълим-тарбиясига йўналтирилган инвестиция экани тарих исботлаган ҳақиқатдир.

▶ Давоми 2-бетда

Муносабат

МАҲАЛЛА ВА
ОИЛА МУДОМ
ЭЪТИБОРДА,
ҲИМОЯДА

Содиқжон ТУРДИЕВ,
маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш
вазирини ўринбосари

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида кўтарилган долзарб масалалар юзасидан белгиланган муҳим вазифалар, режа ва мақсадлар халқимизни янги марралар сари руҳлантириб, келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Айниқса, 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилиши Мурожаатнома-нинг энг муҳим нуқтаси бўлди, десак муболага бўлмайди.

▶ Давоми 2-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Ўзбекистон
Президентининг
Олий Мажлисга йўлаган
Мурожаатномаси давлат
ҳокимиятининг халқ билан
очиқ ва амалий
мулоқот юритаётганини
намоиш этмоқда

Беларусь давлат университети халқаро алоқалар факультети профессори Виктор Шадурский “Дунё” АА мухбири билан суҳбатда Ўзбекистон Президентининг мамлакат парламентига Мурожаатномаси ва республиканинг замонавий тараққиёти тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

“Изчил ривожланаётган Ўзбекистон, унинг етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаган баёнотлари ва амалий ҳаракатлари узок ва яқин мамлакатлар сиёсатчилари ва экспертларининг диққат-эътиборини жалб қилмоқда”, деб таъкидлади у.

— Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида умумий баҳолар келтирилиши ва вазифалар қўйилиши билан бир қаторда аниқ ҳаракатлар режаси тақлиф қилинди, — деди эксперт. — Ҳужжатда қўллаб-қамқоғ ва фактлар таҳлил қилинган, долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун йўналтирилаётган молиявий маблағлар миқдори белгиланган. Умумий баҳолаш ва алоҳида қарорларни бирлаштирган ёндашув эса ҳокимият органлари нафақат мамлакатдаги умумий вазият-ни яхши билишини, балки шаҳарлар, қишлоқлар ва ҳатто маълум бир маҳалла даражасида қилиниши лозим бўлган ишларнинг ҳажмини яхши тушунишни аниқлатади.

Давлат ҳокимиятининг барча даражаларида қарорлар қабул қилиш жараёнининг шаффофлиги ва ошқоралигини таъминлаш, турли ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш бўйича талаб Мурожаатноманинг асосий тамойилларидан бири экани яққол кўзга ташланди.

▶ Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ —
УЙҒОНИШ ДАВРИ
ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётган ҳозирги даврда, айниқса, таълим соҳасидаги ислохотлар муҳим ўрин тутади. Таълим ва тарбияни ривожлантириш, илм-фан соҳасидаги кашфиёт ва ихтироларни ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш, дунё айвонидан рақобатлаша оладиган мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг асосий вазифасига айланди. Чунки таълим ривожини мамлакат келажакига дахлдор масала.

▶ Давоми 5-бетда

Обод манзиллар

ХАЛҚ ҚАБУЛҲОНАЛАРИДА
БИЛДИРИЛАЁТГАН
МУРОЖААТ ҲАМДА ТАКЛИФЛАР

йирик лойиҳалар ва дастурларга асос бўлиб хизмат қилмоқда



Шокир РАФИҚОВ,
Тошкент давлат юридик университети
магистранти

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар, аввало, шу юрт фуқароларининг ҳаёт тарзини юксалтириш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашни кўзда тутди. Шу боис, барча саъй-ҳаракатлар одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган.

Шукуҳ

ЭВРИЛИШНИНГ
УЗУН ЙЎЛЛАРИ

Абдусамид КҮЧИМОВ,
ёзувчи

Эврилиш...

У ҳеч қайси замонда, ҳеч қайси маконда, ҳеч қайси қарвонга — ҳеч қачон осон кечган эмас.

Бир товۇққа ҳам сув, ҳам дон керак. Битта бошини эплаётмай юрганлар қанча.

Бир рўзғорнинг кам-кўстини тўғрилаш осонми?

Бутун бошли давлатни қалқитиш, миллион-миллион қалбларни янги, шиддатли ўзанларга буриб юбориш-чи? Бунинг учун темир ироданинг ўзи камлик қилади. Яратган юқтирган юксак салоҳият, бетакорор жасорат ва яна қўллаб-даҳо фазилатлар керак бўлади инсонга.



Келинг, узокқа бориб ўтирмайлик-да, бир лаҳза кўзларни чирт юмиб, эслаб кўрайлик: бундан атиги тўрт йил муқаддам Ўзбекистон Президентини томонидан Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган кунларда мамлакатимизда қандай ман-заралар ҳукмрон эди? Одамлар бу ҳужжатга қандай қараган эдилар?

▶ Давоми 3-бетда



янги босқичида фуқаролар давлат идоралари эшикларидан узундан-узок навбатга тизилиб турмасдан, балки идоралар масъуллари одамлар ҳузурига, чекка қишлоқ ҳамда маҳал-лаларга, хонадонларга бориб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиши йў-лга қўйилди. Бу, албатта, аҳолининг муаммо ва эҳтиёжларини чуқур ўрга-ниш ҳамда самарали ҳал этиш баро-бариди одамларнинг давлат органла-рига ишончини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

Шукуҳ

ЭВРИЛИШНИНГ УЗУН ЙЎЛЛАРИ

Бошланиш 1-бетда

Мен ортқча ҳис-туйғуларга берилиб, у дамларни шарҳламоқчи эмасман. Фақат жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган мазкур дастур “тарихий” деб аталганда, қандай-қандай ўй-хаёлларга борган, шубҳа-ғумонлар ичида “яна битта тарихийми?”, дея бир-бирларига сирли-сирли тикилиб, мийғида илжайганлар қанча бўлганини бир кўз одингизга келтириб кўринг, демоқчиман, холос. Айни чоғда бундай бош чайқашларда оддий фуқаролар айбдор эмаслигини ҳам олдиндан таъкидлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Илло, “тарихий” деб эълон қилинаверган, аммо амалга ошмай, қорозларда қолиб кетган даста-даста ваъдалардан зериккан одамлар бу ҳужжатнинг “аввалгиларга ўхшамас”лигини ҳали билмас эдилар. Баҳор ёмғирлари дарёю ирмоқларни тошириб, қарқоқ дашту далаларга ҳаёт бахш этганидек, ҳадемай мазкур дастур бутун бошли мамлакатни тебратиб-тўлқинлантириб юбориши ҳам, табиийки, улар учун ҳозирча туманли эди.

Аёнки, “тарихий” деганда, мамлакат ва миллат тақдирини сарбаланд эврилишлар юзага келишига йўл очган азамат саналар, асрларга татигулик воқеалар мажмуи тушунилади. Башариёт китобида бундай нурафшон саҳифалар сув каби сероб, беповён қир-адирларни янгибати ётган чечаклар мисоли бесаноғу бехисоб эмас. Чунки куёш тафтида ялтираган зарраларнинг барчаси олтин бўлмагани каби, “муҳим” дейилмиш воқеаларнинг ҳаммаси ҳам “тарихий”лик шарафига муносиб бўлавермайди. Афсуски, кўп йиллар давомида шу оддий ҳақиқат унутилди. Шўролар замонида, айниқса, бу беаҳо сузинг қадри тушди, ер билан битта бўлди — тупроққа қорилди. Коммунистлар имзолаган сон-саноксиз қарор фармонларнинг деярли ҳаммаси, базсида эса комфрқа пешволари алжираб гапирган гапларга ҳам тарихийлик либоси кийдирилди.

Яхши-ёмон кунларни кўравериби, баландпарвоз, бир-биридан жозибали ҳужжат-утопияларга дуч келавериб дийдаси қотганларнинг Ҳаракатлар стратегиясига ишонқирамай қарашларида ҳам ўзига хос табиийлик бор эди, албатта.

Тўғри, эски арава эртақлардаги каби бир думалаб, учар гиламга айланиб қолгани йўқ. Ўйга толган, ташвишга тушган, қийналган пайтларимиз кўп бўлди. Лекин Худо шоҳид, уч-тўрт йилда эл кўзгалади, Ўзбекистон уйғонади, мудроқ дилларда эртанги кунга ишонч, иззат-икром пайдо бўлади, биз мана шундай муҳташам юксалишларнинг гувоҳи бўламиз деб ҳеч ўйламаган эдим.

Не ажабки, Ҳаракатлар стратегияси минг-минглаб чим босган чашмаю булоқларнинг кўзларини очиб юборди. Булоқлар ирмоқларга, ирмоқлар дарёларга айланди; дарёлар чўлу саҳроларга ҳаёт олиб кирди, паришон юракларга нур бағишлади, умид чирокларини ёқиб юборди. Мўйноқдан Манасгача, Сирга-лидан Нукусгача, Жайхундан Сайхунгача абри найсон ҳаволарига чулғанди. Тошкентда, ўнлаб кентларда сервикор ситилар ана шундан кейин дунёга келди. “Кўз очиб, юмгунча” Тошкентнинг ер усти метросида учқур поездлар уммон балиқлари сингари суза бошлади. Қарийб биёбонга айланган Орол

бўйларига экилган минг-минг гектарлаб саксовулзорлар ҳар тонг дилбар табас-сумлар ила бобо кўёшга салом бераётир. Асрлар давомида куйиб-чатнаб ётган қумзорларнинг мовий майса ранг-ларига бўяниши ҳавасини келтирди осмондаги юлдузларнинг ҳам.

Тасаввур қилайлик, таҳлил ила баданимизга сингдирайлик: жаҳоннинг 191 мамлакатини маъҳ этиб, 1 миллион 840 мингдан зиёд кишининг умрига зомин бўлган коронавирус пандемиясидан қандай қилиб кам талафот кўряпмиз? Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар келтириб турган бир пайтда қандай қилиб аввалги кўрсаткичларни сақлаб қоляпмиз? Дунё бўйича 500 миллион иш ўрни йўқотилган ва миллион-миллион мардум кўчада қолганда, қандай қилиб минг-минглаб янги иш ўринлари пайдо қиялпмиз? Қандай қилиб бир йил ичида 527 минг фуқаро иш билан таъминланиб, яна 500 минг нафарининг меҳнат фаолияти қонуний тарзда йўлга қўйилди? Юз минглаб муҳожирлар “аканг мен” деб юрган давлатларда кунини ўтказолмай, тошларга бош уриб турганда, қандай қилиб 600 мингдан ортқ ватандошимиз хориждан олиб келинди? Чет элларда муҳиш аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди?

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича уч йил ичида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Бу манзил-маконлардаги бахтиёр чехралардан таралган нурни айтмайсизми?!


Булар — не-не улугларни лол қолдирувчи юмушларнинг бир парчаси, холос. Энди мана бу рақамларни томоша қилайлик: 2020 йил “Навоий азот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефтьгаз қорхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби 197 та хайбатли объект барпо этилди. Қатор вилоятларнинг “IT-парклар”ида 500 дан зиёд замонавий компания иш бошлади. Бир йилда! Ўн икки ойда! 365 кунда!



Яна: пандемия қутқу солиб туришига қарамай, кўни-қўшнилар билан яқин алоқалар бир кун ҳам тўхтамади, жаҳон билан узилган кунимиз бўлган эмас; бир қарасангиз, неча-неча давлатларнинг ишбилармонлари келади, бир қарасангиз, йирик сиёсат арбоблари, давлат раҳбарлари билан эса телефон орқали муттасил самимий мулоқотлар...

Яна: Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни қўзатиш” халқаро индексида 125 поғона кўтарилиб, 44-ўринни, “Иқтисодий эркинлик” рейтингда 26-ўринни эгаллади.

Ўйда хотиржам ўтирган киши бу ютуқлар қандай машаққатлар ҳисобидан қўлга киритилаётгани, бундай сазй-ҳаракатларнинг қанчалик мушкуллигини дафъатан ҳис этмаслиги мумкин. У уйқусида ширин тушлар кўради, гўзал заминда яшаб туриб, ҳаёлан осмону фалакнинг нурли гулшанларида сайр этади. Тунни хотиржам ўтказиб, мусаффо тонгни шодон кутиб олар экан, кимдир бетама, мукофоту мактовларсиз бола-чақасию овулқўргонининг тинчлик-осойишталигини бедор қўриқлаб турганини сезмайди. Бундан ортқ саодат бўлиши мумкинми инсон фарзандига! Шукрлар бўлсинким, Аллоҳнинг иродаси ила тўрт йилдан буён ватандошларимиз худди шундай мохрусор бахтга муяссар бўлиб турибдилар. Толмас, ўз миллатига, Ватанига, она заминига садоқатли Йўлбошчиси бўлган, манглайи ярқирок халққагина раво кўрилади бундай мўътабар толе. Баралла ҳайқиргим келадик, меҳнаткаш халқимизнинг пешонасига улуг раҳбар битди. Бог жамоли — богбондан экан. Йўлбошчимиз кўркам истеъдоди, бағрикенглиги, танти ва



элпарварлиги билан ёшу қари — барча ватандошларимиз қалбини забт этмоқда, юртни обод, миллатни бахтиёр қилмоқда. Қалб қўридан қайнаб-тошиб чиқаётган оташин даъватлари эса кўнгли боғларига муалло сурурлар бағишлаб, қорбоғу чаманзорларимизни қўшлар чуғурига тўлдирмоқда.

Тўрт йилдирки, аввалгилардан тамоман бошқа вазиятда, бошқа ҳаволардан тўйиниб яшаяпмиз. Озод, демократик давлат, мустақил тафаккур, шарқона эътиқод асосидаги эркин жамият ва эркин бозор иқтисодиёти қуриш йўлида шахдам қадамлар ташляпмиз. Ари захрин чекмаган бол қадрини билмайди. Пешона теримиз билан топган пуллимизни банклардан олиш учун 30-40 фоизгача “пора” берган мунглиг кунлар орқада қолди. Кўни-қўшнилар билан олди-берди тамоийллари ҳам эркин бозор иқтисодиёти муносабатларига ҳамнафас бўлиб бораётир.

Ардоқли устозимиз Абдулла Ориповнинг шундай тўртлиги бор:

*Бозорга ўхшайди асли бу дунё,
Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.
Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло.
Молчим ёмон, деган бирон кимсани.*

Шундай. Бозор, ўз оти билан — бозор. Бозорнинг ота-онаси йўқ. Уғрию тўғри, поку нопок — ҳаммасини ўчратиш мумкин у дароҳда. Рақобат оламидаги бу кўтблар баъзан аралаш-қуралаш бўлиб кетаётгандек туюлса-да, ҳозирги эркин бозор тамоийллари улариям маънавиятли, маърифатли бўлиб, бақамти, ҳамоҳанг ишлашга чорлаётир. Зеро, сармоя деб фойда кетидан қуванларга ҳам, тараққиёт илмидан орқада қолмайин, деб елиб-югуриб юрганларга ҳам мукаммал маънавият



сув билан ҳаводек зарур. Маънавияти тўқис инсон ўзининг қатъий яшаш дастурига эга бўлади, тараққиётнинг пасту баланд йўларида қоқилмайди, ўзлигини сақлаб қолади. Президентимиз шунинг учун ҳам халқона мумтоз маданият ҳаммага, ҳаммаша кераклигини қайта-қайта таъкидламоқда, нафақат жамият, балки иқтисодий тараққиёт ҳам маънавий баркамолликда эканини ўқтирмоқда. Ёш авлодни маънавий етук, комил инсон руҳида тарбиялаш эса аллақачонлар давлатнинг биринчи вазифасига айланиб кетди. 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деган номнинг берилиши бу ғамхўрлик ва эътиборни яна бир қарра тасдиқлади. Зеро, олам ёшлар қўлида. Тараққиёт ҳам, инсоният келажаги ҳам уларга боғлиқ. Ёш истеъдодлар миллат келажаги. Уларга бўлган муҳаббат — Ватан ва миллат келажагига бўлган муҳаббатдир. Биргина Сирғалининг ўзиде улар учун 500 дан ортқ қўп қаватли иморат қурилди. Минг-минглаб ёшлар уй-жой билан таъминланди. Уларнинг асарларини чоп этиш, кўргазмаларини намойиш этиш, жағғармалар тузиш-чи? Президент мактаблари, ижод мактаблари, аниқ фанларга ихтисослашган махсус мактаблар, янги институтлар, янги факультетлар... 2021 йилнинг ўзида яна 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ташкил этилади. Илк бор математика, кимё-биология ва геология фанларини таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари қўрилади ва 98 та ихтисослашган мактаб ҳамда Геология фанлари университети ташкил этилади.

Яна бир мураккаб масала — чекка худудлардаги мактабларда муаллим етишмаслиги анча вақтдан буён кўпчилики қийнаб келаётган эди.

Тоғдай орқаси бўлганинг тоғдай юраги бўлади, энди муаллимларда иккови ҳам бор. Президентимиз ўттиз йиллик муаммонинг ечимини топиб берди. Энди бошқа туманлардаги олис мактабларга бориб дарс берадиган ўқитувчилар оилигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишлайдиганларга — 100 фоиз устама ҳақ тўланади! Улар уй-жой билан таъминланади.

Эл тилида, бола — лой, она — қулол, деган ҳикмат бор. Пишган лойнинг чинниси тоза бўлади. Муаллим ҳам бамисоли она кабидир. У ёшликдаги илм тошдаги битикдек ҳеч қачон ўчмаслигини яхши билади. Урганмиш — бир ҳунар, ўргатиш — икки ҳунарли-гиям аён унга. Аммо ҳар иккиси учун ҳам шароит бўлмаса, у бечора нима қилсин эди? Қорни тўқ, усти бут қулол



Хаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

— оналар таълимини олганлар эса халқ тили билан айтганда, ҳеч қачон ҳўкизнинг ўтини еб, қўйнинг қилигини қилмайди. Тўғри бўлади, мард бўлади, жасур бўлади, туғилган тупроғига хиёнат қилмайди. Ўқитувчиларгаям, ўқувчиларгаям дилдан ўргатиб, дилдан ўрганадиган давр бошланаётир.

Тагин бир-икки рақамни айтмасам бўлмайди:

бу йил яна 2 та тезуор поезд ҳаракати йўлга қўйилади. Бухоро — Ўрганч — Хива темир йўлини электрлаштириш бошланади. Тошкент шаҳрида ер усти метросининг 12 километрик узунликдаги иккинчи босқичи фойдаланишга топширилади, шу тариқа ер ости ва ер усти метро линиялари яхлит тизим сифатида бир-бирига уланади. Қашқа-дарёда эса қиймати 3 миллиард 600 миллион доллар бўлган, йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган мажмуа тўлиқ маҳсулот бера бошлайди.

Ҳозир мамлакатимизни катта қурилиш майдонига қийслаш мумкин. Кунда-кунора янги-янги саноят қорхоналари, жамоат бинолари, спорт комплекслари, боғу хиёбонлар қурилиб, ишга туширилмоқда.

Мустақилликнинг 30 йиллигига бағишлаб пойтахтда “Истиқлол” мажмуасининг бунёд этилиши, машҳур япон архитектори Тадао Андо лойиҳаси асосида Миллий академик драма театрининг қад ростлаши, янги санъат музейи, замонавий кутубхона ҳамда Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактабидан иборат маданият ва маърифат мажмуаси қурилажаги; “Ипак йўли дурдонаси” — Тошкент халқаро кинофестивали номи билан кўп йиллар давомида ўтказиб келинган халқаро кинофестивалнинг қайта тикланиши кабилар юракларни ифтихор туйғуларига чулғантирмаслиги мумкинми, ахир! Бундай ҳайратли режаларни санаш, яна давом эттириш мумкин. Энг муҳими шундаки, қўл билан қилинар иш, бош билан қўп ва ҳўп ўйланган. Ўйлаб-ўйлаб жўяк олсангиз, ўйнаб-ўйнаб суғорасиз тарзида узок мулоҳаза қилинган. Шунинг учун ҳам режадаги тадбирларнинг ҳеч қайсиси шунчаки қозғоғдай ёзувлар эмас. Уларнинг ҳар бири миридан-сиримгача ҳисоб-китоб қилинган, амалга оширишнинг аниқ йўли белгиланган, жавобгари бор, муддати бор, маблагга бор. Ижро йўли шу даражадаки, ҳатто ҳар битта боғча боласига сарфланадиган харажатгача манбаси аён. Агар фикримизни бадийий ташбиҳга ўраб айтадиган бўлсак, ҳар бир ниҳолнинг илдиизидан баргигача ҳисобга олинган. Яъники, ҳар бир ишининг чамаси, ҳар дарёнинг кемаси аниқ.

Жаҳон ахли, қўни-қўшни, дўсту душман — барчаси гувоҳ бўлиб турибдилар: Ўзбекистонда улкан эврилиш жараёнлари шиддат билан давом этмоқда. Дунё эса нотинч. Ер юзидаги вазият танбурнинг торидай тобора тараңглашиб бораётир.

Ана шундай таҳликали, у кўзнинг бу кўзга дўстлиги бўлиб-бўлмай турган безовта кунларда ўқтин-ўқтин собиқ



Тўрт йиллик эврилишлар жараёнида халқ кучида тўғон йўқлигини, халқ пуфласа — бўрон, тепинса зилзила бўлиши ва тиришганининг теҳаси тошга чега қоқиши мумкинлигини яна бир марта кўрдик, бошимиздан ўтказдик. Бу эврилишлар давлатимиз ва жамиятимизда фаровонликни ошириш, тараққий этган давлатлар даражасига етиб бориш йўлидаги энг салмоқли қадамлар бўлди. Биз аввалги икки Ренессансдан сўнг йўқотган дурларимизни яна битта-битталаб териб ола бошладик. Президентимиз армон қилганидек, агар аввалги икки Ренессанс чироклари ўчмаганда, давом этганда, юксалганда эди, неча асрлар давомида кимларгадир қўл бўлмаган, аллақачонлар Учинчи эмас, Тўртинчи Ренессанс ҳаволаридан баҳраманд бўлиб турган бўлур эдик. Аммо оққан дарё оқмай қолмайди. Мана исботи: асрий таомилларимизни унутмаган тарзда биз она ўзбек диёримиз худудида тагин Амир Темур замонасидаги каби ҳавасли буюк давлат тузиб, Учинчи Ренессанс иморатига биринчи гиштларни қўймоқдамиз.

империяни қўмсашга ўхшаш овозлар эшитилиб қолаётгани одамни муайян ҳушёрликка чакиради. Мустақиллики кўз қорачиғидай асраш, авайлаб сақлаш, бу муборак йўлда ҳамжиҳат бўлишга ундайди.

Ақли бутун одам кўрраи заминда бўлаётган можароларни кўриб туриб, ўзимиздаги осойишталик учун шукрона айтмаслиги мумкин эмас. Оқиллар бекорга “Тинчлик билан эл кўқарар, ёмғир билан — ер” демайди. “Жанжалли уй — азобли гўр”, “ Тотувлик — бахт, тотувсизлик — қулаган тахт” деган гаплар ҳам осмондан тушгани йўқ.

Халқимизнинг турфа фазилатлари ва аччиқ тажрибаларидан сабоқ олиб эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга навбатдаги — тўртинчи Мурожаатномаси вужудимни ана шундай чароғон нурларга буркади. Йўлбошчимиз даъватидаги кишини эзгу ишларга ундовчи жанговар латофатлар, анбар ҳаволар олиб киргандек бўлди ватандошларимиз юрагига.

Тўрт йиллик эврилишлар жараёнида халқ кучига тўғон йўқлигини, халқ пуфласа — бўрон, тепинса зилзила бўлиши ва тиришганининг теҳаси тошга чега қоқиши мумкинлигини яна бир марта кўрдик, бошимиздан ўтказдик. Бу эврилишлар давлатимиз ва жамиятимизда фаровонликни ошириш, тараққий этган давлатлар даражасига етиб бориш йўлидаги энг салмоқли қадамлар бўлди. Биз аввалги икки Ренессансдан сўнг йўқотган дурларимизни яна битта-битталаб териб ола бошладик. Президентимиз армон қилганидек, агар аввалги икки Ренессанс чироклари ўчмаганда, давом этганда, юксалганда эди, неча асрлар давомида кимларгадир қўл бўлмаган, аллақачонлар Учинчи эмас, Тўртинчи Ренессанс ҳаволаридан баҳраманд бўлиб турган бўлур эдик. Аммо оққан дарё оқмай қолмайди. Мана исботи: асрий таомилларимизни унутмаган тарзда биз она ўзбек диёримиз худудида тагин Амир Темур замонасидаги каби ҳавасли буюк давлат тузиб, Учинчи Ренессанс иморатига биринчи гиштларни қўймоқдамиз.

Замоннинг назари нечоғлиқ тийрак ва жоҳил бўлмасин, муваққат чанг-чунлар ювлииб, асл жамолига тўйиб-тўйиб боқимизми мумкин бўлган миллат гурури тула шақлланадиган пайтлар жамол кўрсатаётир, кенг қамровли, ҳаётий фалсафа ва чексиз руҳий идрок жамланган Президентимизнинг Мурожаатномасида биалақарга куч-ғайрат бағишловчи мулоқаб нафас уфуриб турибди. Бу ҳужжат мағзи ва тафаккури билан камолот ҳазинасининг мулки бўлади, ҳатто бошқалар учун ҳам ибрат-намуна — мўътабар манба бўлиши мумкин.

Кўп йиллик ғубор қизғалдоқ баргидек учмайди. Маънавий боқимандалик, майда ташвишлар, ўзаро даҳанани жанглардан холи, мардона меҳнат талаб қилинади бундай ғуборлардан қутулиш учун. Ҳозир айнан истиқлол абадиийлигини сақлашдек синовли кунлар билан юзма-юз турибмиз.

Эврилиш машаққатлари эса шиддат билан давом этмоқда. Унинг чағир тошли йўллари жуда узун. Йўлнинг бир томонида симобдай титраниб, “киприкдаги ёшдай” омонат ва нотинч дунё; иккинчи томонида, шайтон малайлари каби изғиб-ивирсиб юрган қорунпция, порахўрлик, худбинлик, алдов, ҳушомад, ҳасад, нафс... Чала иморатлар, эгри сўкмоқлар, синик деразалар, ямоққа муҳтоҳ йиртиқ кўрпачалар ҳам оз эмас. Бирок тафаккурга қанот бўлаётган бошқа шукуҳли манзара ҳам борки, бу — манзилга етмок учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан баракалироқ меҳнат қилиш иштиёқидир. Миллионлар қалбида чаппар ўраётган ана шу қудратли тўлқин Янги Ўзбекистонга куч бағишлаб, эврилишнинг узун йўлларини Учинчи Ренессанс чаманларига туташтириб юборади, Худо хоҳласа.

Обод манзиллар

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИДА БИЛДИРИЛАЁТГАН МУРОЖААТ ҲАМДА ТАКЛИФЛАР

Йирик лойиҳалар ва дастурларга асос бўлиб хизмат қилмоқда

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Президентнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Бу, ўз ўрнида, фуқароларнинг муаммоларига ечим топиш борасида катта имконият яратди. Ўтган давр мобайнида тизим фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш имконини берадиган, барча даражадаги идоралар, ҳокимликлар билан аҳоли ўртасидаги қўприкка, ўзаро мулоқотнинг самарали механизмига айланди. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналарга фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар уларнинг ҳаёт тарзи, эҳтиёжлари ва жойлардаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Жумладан, якунига етган йилда Президентнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналари орқали фуқаролардан 1 миллиондан ортиқ мурожаат келиб тушди. Бундан ташқари, Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар раҳбар ходимлари иштирокида ҳудудларда мунтазам равишда оммавий сайёр қабуллар ташкил этилди.

Вазирлик ва идоралар, жойлардаги ҳокимликлар ва секторлар раҳбарлари томонидан 19 мингдан ортиқ сайёр қабул ўтказилган. Уларда 120 мингга яқин фуқаро иштирок этиб, 124 мингдан ортиқ масала кўтарилган. Шу билан бирга, секторлар томонидан ёшлар билан 14 мингдан ортиқ учрашув ўтказилиб, уларда 670 мингдан зиёд ёш ўзининг муаммо ва таклифлари билан иштирок этган.

Халқ билан юзма-юз мулоқотлар келгусида бажаришимиз лозим бўлган зарур ишларни режалаштиришда алоҳида ўрин тутди. Шундай учрашувлар, Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар орқали билдирилаётган мурожаат ҳамда таклифлар

йирик лойиҳаларга, дастурларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиз бўйлаб улкан бунёдкорлик ишларини бошлаб берган, кенг қўлам касб этган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига ҳам халқимиз томонидан келиб тушган мурожаатлар ва таклифлар асос бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг ғояси билан бугунги кунда ушбу дастурлар одамларни ҳаётдан рози қилишнинг, шаҳар ва қишлоқларимиз гўзал қиёфасини бунёд этишнинг ўзига хос механизмига айланди.

Бинобарин, ободлик остонадан бошланади. Маҳаллаларимиз, қишлоқларимиз обод бўлса, юртимиз фаровон бўлади, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалади, одамларнинг жамиятга муносабати, дунёқараши ўзгаради.

Ободлик нимани англатади? Шаҳар ва қишлоқларда, айниқса, чекка овулларда аҳолига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, одамларнинг турмуш даражаси ва яшаш тарзини яхшилаш, уйлар, йўللار, мактаб ва шифохоналар барпо этиш, мавжудларини бугунги кун талаби даражасида таъмирлаш, дам олиш масканларини қуриш, транспорт қатновини йўлга қўйиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини муносиб равишда ташкил этиш кабилар замирида ободлик ётади. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими йўлга қўйилгани қишлоқ ва маҳаллаларда бундай жабҳаларда кўплаб муаммолар борлигини намоён этди. Шуларни эътиборга олиб, 2018 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ишлаб чиқилди.

“Обод қишлоқ” дастурининг дастлабки босқичи Жиззах вилояти Дўстлик туманининг Манас қишлоғида амалга оширилиб, узоқ йиллар эътибордан четда қолиб келган ушбу ҳудудда мисли қўрилмаган улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Даставвал давлат идоралари ходимлари иштирокида ишчи гуруҳлар тузилиб, уйма-уй юришлар, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар

ташкил этилди. Ҳар бир оиланинг ижтимоий ва моддий аҳволи, шарт-шароитлари, мавжуд муаммолари синчиклаб ўрганилди. Бу эса ободлик мавзусига бирёклама ёндашмасдан, аҳоли муаммоларини ҳамма соҳалар йўналишида комплекс ҳал этиш учун шароит яратди. Барча ишлар ана шу ўрганишлар натижаси асосида ташкил қилинди. Режалаштирилаётган ҳар бир иш ҳудуд аҳолиси билан кенгашган ҳолда амалга оширилди. Қишлоқда янги уйлар, кўркам иншоотлар, йўللар, таълим ва маданият масканлари, хибоблар ва гулзорлар барпо этиш борабарида ҳудуд аҳолисининг онги ва дунёқарашини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш, ижтимоий муҳит соғломлигини барқарорлаштириш, ёшларнинг билим олиши ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш каби чора-тадбирлар ҳам олиб борилди.



Айниқса, аҳоли муаммоларини ўрганиш жараёнида уларни қийнаётган энг асосий муаммолардан бири ишсизлик экани аён бўлди. Шу боис, ишсизлик муаммосига ечим топиш кун тартибидagi асосий масала қилиб белгиланди. Энг аввало, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, шароити оғир, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлиги бор фуқароларни ҳимояга олиш, муносиб иш билан таъминлаш чоралари қўрилди.

Уларни фақат уй-жой билан таъминлаб, яшаш шароитини яхшилаб бериш масаланинг ечими бўлмайди. Шуни эътиборга олиб, уларга имкон қадар иш шароитларини ташкил этиш, касб-хунар ўрганиши, уй шароитида иссиқхона, чорвачилик, касаначилик ёки тикувчилик билан шуғулланиб даромад топиши учун имконият яратишга ҳаракат қилинди. Ҳар бир хонадоннинг муаммоларини ўрганиб, уларга кўмак беришда Давлат хизматлари маркази ходимлари ҳам фаол қатнашди. Улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга 150 турдаги давлат хизматлари кўрсатилгани ҳам масалага нечоғлиқ

жиддий ёндашилганини англатади.

Ана шундай кенг қўламли ишларда фақат қурилиш корхоналарига қараб қолмасдан, ҳудуд аҳолиси, ҳашарчилар ва тадбиркорлар ҳам елкадош бўлиб, ўз ҳиссаларини қўшди. Шу ўринда маҳаллий қурилиш ашёлари ва жиҳозларини арзон нархларда етказиб бериш мақсадида ҳудуднинг ўзида маҳсул дўконлар ташкил этилгани ва ушбу дастурларга бош қўшган тадбиркорларга давлатимиз томонидан имтиёзлар берилгани айни мuddао бўлди. Зотан, қайси қишлоқ ёхуд маҳалла обод бўлса, у ерда муаммолар камаяди, халқ ҳаётдан рози бўлиб яшайди.

Манас қишлоғида амалга оширилган ишлар келгуси режалар учун улкан пойдевор вазифасини ўтади. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари кенг қўлоч ёйди. 2018 йилнинг ўзидаёқ мамлакатимиз бўйлаб дастур доирасидаги ишлар амалга оширилиб, халқимизнинг хурсандчилигига



Ҳақим йўлдошев олган суратлар.



Якунига етган йилда Президентнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналари орқали фуқаролардан 1 миллиондан ортиқ мурожаат келиб тушди. Бундан ташқари, Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар раҳбар ходимлари иштирокида ҳудудларда мунтазам равишда оммавий сайёр қабуллар ташкил этилди. Вазирлик ва идоралар, жойлардаги ҳокимликлар ва секторлар раҳбарлари томонидан 19 мингдан ортиқ сайёр қабул ўтказилган. Уларда 120 мингга яқин фуқаро иштирок этиб, 124 мингдан ортиқ масала кўтарилган. Шу билан бирга, секторлар томонидан ёшлар билан 14 мингдан ортиқ учрашув ўтказилиб, уларда 670 мингдан зиёд ёш ўзининг муаммо ва таклифлари билан иштирок этган.



2019 йилда Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятларидаги барча туман марказлари, Сурхондарё вилоятининг Шарғун шаҳарчаси, Фарғона вилоятининг Сўх тумани маркази, Андижон вилоятининг Боғишамол даҳаси, Самарқанд вилояти Қўшработ туманининг Жўш қишлоғи кабилар обод манзиллар қаторидан жой олди.

2020 йилда ҳам бу борадаги бунёдкорлик ишлари давом эттирилиб, Қашқадарё вилоятининг Талимаржон шаҳарчаси, Тошкент вилояти Чиноз туманининг Эшонабод қишлоғи каби кўплаб қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси кўркамлик касб этди. Пандемия сабабли барча соҳадаги ишлар қатори маъзур йўналишдаги режалар ҳам вақтинча тўхтаб турган эди. 2021 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари яна давом эттирилади. Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, тегишли вазифаларни белгилаб берди.

Умуман, ўтган уч йил мобайнида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида амалга оширилган ишлар натижасида қишлоқ ва маҳаллаларда янги давр руҳига мос ўзгаришлар рўй бергани аҳоли мурожаатларини ўрганиш асосида шакллланган янги, ўзига хос механизмнинг

самараси сифатида намоён бўлмоқда. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари мурожаатлар билан ишлаш жараёнида чекка ва опис қишлоқ ҳамда маҳаллаларда аниқланган долзарб муаммолар ўзига хос ечим топмоқда. Эндиликда бу дастурларни амалга оширишда жамоатчилик назорати қўчайтирилиши, бажарилаётган ишлар шаффоф ҳамда аҳоли доимий равишда хабардор бўлиши учун электрон дастурлар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ҳозир дунёда ўхшаши бўлмаган янги тизим, деб бемалол айтиш мумкин. Халқ билан мулоқотнинг ушбу самарали тизими бугунги кунда халқаро доирада ҳам эътирофга сазовор бўлиб, бундай дадил одимларимизга юқори баҳо берилмоқда. Халқаро молия институтлари томонидан ҳам ушбу дастурда ўз маблағлари билан иштирок этиш истаги билдирилаётгани юртимиздаги ислохотлар жараёни кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётганидан дарак беради. Бу, албатта, ҳар биримизни янги марралар сари янада илҳомлантириши шубҳасиз. Зеро, уйимиз, маҳалламиз, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш, турмуш шароитимизни кундан-кунга яхшилаш ўз қўлимизда.



Фармон ва ижро

ИЧИМЛИК СУВ ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРГА ҲАМ ЕТИБ БОРАДИ



Рустамжон САТТОРОВ,
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Сув таъминоти ва оқова сув тизими истиқболлини белгилаш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиги

Сўнгги йилларда мамлакатимизда марказлашган сув таъминоти тизимини ривожлантириш орқали шаҳар ҳамда аҳоли пунктларида сифатли ва хавфсиз ичимлик сувга бўлган эҳтиёжни қондириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ марказлашган ичимлик сув таъминоти етиб бормаган ёки бунинг имкони бўлмаган олис қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси ҳал этилмай келаётган эди. Ушбу муаммо йирик марказлашган ичимлик сув инфратузилмасини эмас, алоҳида бир аҳоли пункти учун мўлжалланган локал ичимлик сув таъминоти тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш йўли билан ечимини топиши мумкин.

Ушбу вазифа Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги зиммасига юклатилган.

Хусусан, вазирлик ҳар йили аҳоли сони жами 15 мингдан кам бўлмаган, марказлашган ичимлик сув таъминоти етиб бормаган қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотларга ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмаларини танлов асосида беради. Танланган нодавлат нотижорат ташкилотлар вазирлик томонидан ишлаб чиқилган техник топириққа асосан, лойиҳалаштириш, қуриш ва қурилиши якунланган объектларни эксплуатация қилиш жараёнларини ташкил этади. Шунингдек, лойиҳанинг мазмун-моҳияти аҳоли иштирокида кенг тарғибот қилиш ишлари орқали тушунтириб борилади. Ўз навбатида, вазирлик лойиҳаларнинг самарали

амалга оширилишини мувофиқлаштириб, мониторингини юритади ҳамда маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилади.

Давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳаларини молиялаштириш, асосан, бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мақсадлар учун 2021 йилда вазирликка 14 миллиард сўм ажратилди. Кейинги йилларда бюджетдан ажратилмайдиган маблағлар ва лойиҳалар сони вазирликнинг асосланган ҳисоб-китобларига кўра ошириб борилади.

Мазкур лойиҳаларнинг самарали ишлаши, аввало, жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бевосита аҳолининг фаол иштирокини талаб этади. Лойиҳа учун қишлоқ аҳоли пунктини танлаб олиш, қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш ва келгусида объектдан фойдаланиш каби масалалар бевосита аҳоли билан келишилган

ҳолда, уларнинг розилиги ҳамда иштирокида амалга оширилади. Хусусан, давлат ижтимоий буюртма лойиҳалари аҳолининг камида 85 фоизи локал ичимлик сув таъминоти тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлаган тақдирда уни амалга ошириш жараёнига қисман молиявий ҳисса қўшишга тайёр бўлганда бошланади.

Давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳалари доирасида қурилишнинг бир қисmini амалга ошириш учун аҳолининг молиявий ҳисса қўшиши кўзда тутилган. Бу уларда қурилиш жараёнига дахлдор бўлиш, қурилган объектга нисбатан эгалик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади. Айни пайтда мулкчилик ҳисси аҳолининг қурилган объектга нисбатан муносабатини ўзгариштириб, уларни тизимдан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга ундайди.

Эътиборлиси, қурилиши якунланган локал ичимлик сув таъминоти тизимини бошқариш ва ундан фойдаланиш аҳолининг умумий мулкчи сифатида маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфига ўтказилади. Қишлоқ аҳоли пунктида ичимлик сув таъминоти хизмати кўрсатиш, қурилган тизимни бошқариш учун аҳоли томонидан нодавлат ташкилот тузилади. Жорий этилаётган ушбу тизимда ичимлик сув таъминоти хизматлари учун нарх (тариф)лар аҳоли билан келишилган ҳолда белгиланади. Бунда ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва хонадонларга етказиш харажатлари, киритилган сармоа, амортизация ва бошқалар инобатга олинади.

Айни пайтда ушбу йўналишдаги ишлар республикадаги олис қишлоқларни хатловдан ўтказишдан бошланади.



Жорий йил октябрь-ноябрь ойларида вазирлик мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ жойларга чиққан ҳолда, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда марказлашган ичимлик сув таъминоти етиб бормаган қишлоқ аҳоли пунктларини 25 та параметр бўйича ўрганди. Хатлов ва ўрганишлар натижасида 114 та шаҳар ва тумандаги сув таъминоти, санитария ҳолатини яхшилашга муҳтож 1273 та қишлоқ аҳоли пункти рўйхати шакллантирилди. Мазкур қишлоқларда 5 миллионга яқин аҳоли истикомат қилаётган бўлса, улардан 35 фоизи ичимлик сувини ташиб етказиб бериш орқали таъминланмоқда. Шунингдек, 65 фоизи эса ичимлик сувини муқобил манбалардан истеъмол қилмоқда.

Давлат ижтимоий буюртмалари доирасида 2021 йилда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида пилот лойиҳалар амалга оширилди. 2022 йилдан бошлаб эса республиканинг бошқа ҳудудларида лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда оқова

сув хизматлари билан таъминлаш ҳам назарда тутилади. Мухими, кўзда тутилган лойиҳаларда ҳудудларда Швейцария ҳамкорлигида қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш тажрибаси кенг қўлланилади.

Бундан ташқари, дастлаб мазкур лойиҳаларни синов тариқасида амалга ошириш учун Андижон, Фарғона ҳамда Наманган вилоятларида сув таъминоти ва санитария ҳолатини яхшилашга муҳтож қишлоқлар рўйхатидан 2 тадан аҳоли пункти танлаб олинади. Ушбу мақсадларда илк бор Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги мазкур вилоятларда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотларга ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмаларини бериш тўғрисида танлов эълон қилди. Жорий йил якунига қадар танлов якунланиб, 2021 йилдан бошлаб лойиҳалар доирасида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.



Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ — УЙҒОНИШ ДАВРИ ПОЙДЕВОРИ



Зафар ҲАКИМОВ,
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илгор
технологияларни татбиқ этиш
маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Олий таълим қамровини кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, таълим жараёнига рақамли технология ва замонавий усуллари жорий этиш, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини кучайтириш кабилар соҳа ривожининг асосий йўналишлари сифатида белгиланди.

Таълим соҳасини ривожлантиришда тараққий этган хорижий давлатлар тажрибаларидан ҳам кенг фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизда унлаб нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилди.

Халқаро ҳамкорлик доирасидаги ишлар кўлами ҳам кенгайди. Хусусан, АҚШда стажировка ўташ учун эълон қилинган танловда республиканинг 20 та олий таълим муассасасининг 500 нафар профессор-ўқитувчиси иштирок этди. Улар орасидан 10 нафари ғолиб бўлди. Танлов ғолиблари 20 ҳафта давомиде тажриба ва малака ошириш учун АҚШнинг машинасозлик, қишлоқ ҳўжалиги, ирригация ва кимё технологиялари универститетларида бўлиб, мутахассислар тайёрлаш тизимини ўрганди, касб таълими бўйича педагогик технологияларга эътибор қаратди.

Президентимизнинг “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида инсон ҳаётини турли касаллик ва техноген ҳалокатлардан ҳимоя қилиш, мутахассислар тайёрлаш каби вазифалар белгиланди. Ушбу фармонга мувофиқ, 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида тиббиёт олий таълим муассасаларида Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги факультети ташкил этилди. Тиббий профилактика ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида туман ва шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаларида тиббиёт маълумотига эга бўлган валеолог, тиббий психолог, нутрициолог, диетолог, фармаколог, кинезиолог, реабилитолог, профпатолог каби мутахассисликлар бўйича иш ўринлари очиш режалаштирилмоқда.

2021 йил 1 январга қадар тиббиёт олий таълим муассасаларида нуфузли хорижий тиббиёт таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида санитария-гигиена ва эпидемиология ҳамда микробиология йўналишида филиал, халқаро факультетлар очилди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида юртимизнинг 10 та олий таълим муассасаси 2030 йилга қадар халқаро рейтинглар мингталиги рўйхатидан жой олиши вазифаси белгиланган. Ушбу вазифалар халқаро стандартларда белгиланган талабларга риоя қилиш, таълим сифатини дунё андозалари даражасига олиб чиқишни тақозо этади. Бу борада, биринчи навбатда, ЮНЕСКО томонидан 2011 йилда қабул қилинган Халқаро таълим стандартлари, таснифи меъёрларини миллий таълим анъаналарини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. Таълимнинг барча босқичлари билан бир қаторда 6-даражага мувофиқ бакалавр,

дида олий таълим муассасаларида ўқув жараёни кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади, таълим жараёнида электрон таълим бошқарув тизими орқали назорат қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази ташкил этилиши тизимни янада ривожлантириш, таълим жараёнини ўқув-методик таъминлаш ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар учун зарур шарт-шароит яратиши билан аҳамиятли бўлди. Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш марказининг асосий фаолият мезони саналади.

Марказ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси доирасида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бюджетдан ташқари босқичлари билан бир қаторда 6-даражага мувофиқ бакалавр,



7-даражага асосан магистратура ва 8-даража (ёки шунга тенг келувчи миллий таълим даражаси)га биноан докторантура таълими талаблари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустақам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардор қадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш вазифалари белгиланган. Президентимизнинг “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 18 та янги олий таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйилади. Унинг 10 таси маҳаллий, 3 таси хорижий, 5 таси давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилади. Қўшма таълим дастурлари асосида қадрлар тайёрлаш икки баробар оширилади. Булар натижасида ёшларни олий таълимга қамров 25 фоизга етказилади. Мухандислик-техник таълим йўналишлари бўйича қабул параметрлари улуши 28 фоиз кўпайтирилади. Бакалаврликдан магистратурага қабул қилинган талабалар улуши 10 фоиз оширилади. Хорижий тажриба асосида талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш мақса-

форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этади. Бу марказлар, ўз навбатида, тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ этади, прогноزلаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқади ҳамда ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда амалий, илмий-ташқилий ишларда шартнома асосида иштирок этади.

Концепцияга мувофиқ, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. 2020-2021 ўқув йилида, яъни шу пайтгача мамлакатимиздаги 30 дан ортиқ йирик олийгоҳ шу тизимга ўтди.

Сўнгги тўрт йил ичида мамлакатимизда таълим соҳаси, хусусан, олий таълимда олий борилаётган туб ислохотлар янги Ўзбекистон пойдеворини мустақамлашга хизмат қилади.

Қарор ва ижро

ЭЛЕКТРОН ДАСТУРЛАР ЯРАТИЛМОҚДА



Ноибaxon МАМАДАЛИЕВА,
Инновацион ривожланиш
вазирлиги илмий котиби,
филология фанлари доктори

Бугунги кунда дунёда қарийб 50 миллион аҳоли ўзбек тилида мулоқот қилади. Шу боис, ўзбек тилининг ижтимоий ҳаёт ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улғў аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлашга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди, кенг қўламли ишлар бажарилди.

Бу йўналишдаги ишларни юқори босқичга кўтаришда Инновацион ривожланиш вазирлиги олдиға ҳам катта вазифалар қўйилган. Вазирлик томонидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларини шакллантириш ва мониторинг қилишнинг янги ва самарали тизимини ишлаб чиқибли, амалиётга жорий этилди. Бугунги кунгача ушбу йўналишда 34 та танлов эълон қилинди. Улар орасида ўзбек тили ва адабиётини тадқиқ этиш масалалари ҳам салмоқли ўрин тутди.

Айни пайтда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети олимлари томонидан қатор лойиҳалар амалға оширилмоқда.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилаётган “Ўзбек тилида нейминг: меъёрий-хўқўқий асосларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида ишлаб чиқариш, савдо ишчиотлари, компания, фирма ва маҳсулотларга ном қўйиш жараёнини енгиллаштириш, миллий анъаналаримиз ва менталитетимизга ёт номлар берилишининг олдинчи олиш, “Давлат тили ҳақида”ги қонун ижросини таъминлаш юзасидан услубий кўрсатмалар ишлаб чиқибли, номлар захираси яратилди. Университетда “Ўзбекча номлаш лабораторияси” ҳамда интернет тармоғида тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар учун iznopl.uz сайти фаолиятини йўлга қўйилди. Ушбу сайт воситасида тадбиркорлар ўзлари очётган янги фирма, корхона, савдо ишчиотлари ҳамда ишлаб чиқарган янги маҳсулотлари учун ўзбекча ном танлаш имконига эга бўладилар. Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар қўпинча хорижий тилларда, маънавийтимизга ёт мазмун ва шакллarda акс эттирилаётганини алоҳида қайд этган эди. Мазкур хизмат тури ёрдамида ном қўйиш жараёнида ўзбек тили меъёрларининг бузилиши ҳолатларига чек қўйилади.

Университетда бажарилаётган “Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий асарларни таржима қилиш учун электрон лугат яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа натижасида ўзбек адабиёти намуналарини инглиз тилига бадий таржима қилиш сифатини кескин оширадиган ўзбек-инглиз бадий таржима лугати яратилади, ўзбек ва инглиз тилларида инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат тасвирига оид бадий тасвирларнинг ўз ичига олган расмий электрон поэтик лугат ишлаб чиқилади. Мазкур электрон лугат ижод намуналари лексикасини тўлиқ қамраб олади, тасвирлар орқали акс эттирилади ва ўз интернет саҳифасига эга бўлади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жағмармаси билан ҳамкорликда 4,4 миллилард сўм қийматдаги тематик мавзуларни шакллантирди. Мазкур танлов ўзбек тилининг жамиятдаги ва халқаро миқёсдаги мавқеи ҳамда нуфузини ошириш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида давлат тилини тўлақонли жорий этилиши бўйича мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш, давлат тилини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалға оширилади.

Танловға вазирлик, идора, илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларидан 28 та лойиҳа тақдим этилди. Дастлабки техник экспертиза натижаларига кўра, илмий аҳамияти юқори, ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлашга қаратилган 15 та илмий лойиҳа бугунги кунда вазирлик ҳузуридаги Филология, психология, педагогика фанлари бўйича илмий-техник кенгаш томонидан илмий экспертизадан ўтказилмоқда.

Танловда “jadid.uz” электрон платформасини яратиш” инновацион, “Ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш”, “Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитишнинг методик таъминоти бўйича электрон платформа яратиш”, “Янги авлод ўқув лугатлари ва уларнинг мобиль иловаларини яратиш” каби мавзуларда амалий лойиҳалар ҳам эълон қилинди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...биз ҳадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий

сифатида ўқитишнинг халқаро стандартлар талабларига мос методик таъминоти (тил билишнинг А1, А2, В1, В2 даражалари учун дарслик, лугат, сўзлашгич ва хрестоматиялар)нинг электрон платформасини яратишга қаратилган.

Инновацион ривожланиш вазирлиги мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этиш ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек тилидан тўлиқ фойдаланилишини таъминлаш мақсадида “Innovative Developers” (www.idev.uz) корхонаси билан ҳамкорликда кирилл ёзувидаги матнларни лотин ёзувига ўгирадиган дастурий таъминот яратди. Бу дастур Word файлларида ишлайди, матнларни хатосиз ва форматини бузмасдан у ёзувдан бу ёзувга ўгиради. Мазкур дастур жорий йил 21 октябрда, яъни Ўзбек тили байрами кунинда барча вазирлик ва идораларга, ташкилот ҳамда ҳокимликларга бегараз тақдим этилди.

Бугунги кунда Наманган давлат университетида бажарилаётган “Ўзбек фольклорининг веб-сайти ва мультимедиа маҳсулотини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳадан асосий мақсад ўзбек фольклори тарихи, тараққиёти, бугунги миллий маданиятимизда тутган ўрнини тарғиб этишга қаратилган илмий тўплам,



ҳазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойлиқни қанча фолл тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Вазирлик эълон қилган “jadid.uz” электрон платформасини яратиш” инновацион лойиҳасининг бажарилиши натижасида ҳадидчилик ҳаракати, адабиёти ва драматургияси, ҳадидларнинг миллий тил ва имло масалаларига муносабатини кенг ёритилган электрон платформа юзага келади. Илмий тадқиқот натижасида ҳадидчилик ҳаракати, ҳадид адабиёти ва драматургиясига оид манбалар, тадқиқотлар ўрганилади, таҳлил қилинади, шу даврда “Ойна”, “Инқилоб”, “Ҳақиқат”, “Маориф ва ўқитувчи” журналлари, “Саодий Туркистон”, “Иштирокиюн”, “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Фарғона”, “Зарафшон”, “Бухоро ахбори” каби газеталарда босилган материаллар жорий имлоға ўтказилади.

Миллий корпус — миллий тил хазинаси. Ундан лингвист, лексикограф, компьютер лингвистлари, дастурчи, муҳаррир, таржимон, журналист, ношир, олим, ўқитувчи, таълим олувчи каби жуда кўп соҳа мутахассислари кенг фойдаланади. Айниқса, она тили ва чет тилларни ўқитиш ҳамда ўрганиш борасида корпусларнинг ўрни бекиёс. Бугун дунё миқёсида тил ўргатиш тизими корпусларга йўналтирилаётганини сир эмас. Шу боис, таълим, шева, поэтик, оғзаки, илмий ва расмий матнлардан иборат микрокорпусларнинг тўзилаётгани эътиборга молик. Бирок ўзбек тили корпусини яратиш иши ортга суриб келинаётган эди. Вазирлик эълон қилган “Ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа ана шундай мақсадга қаратилган.

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш соҳасида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида “Ўзбекистон миллий комуси” жилдларини нашр этишни босқичма-босқич кўпайтириб бориш, 2020 йилда ўзбек тилининг лугат бойлигини оширувчи 15 та лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли лугат яратиш белгиланган. “Янги авлод ўқув лугатлари ва уларнинг мобиль иловаларини яратиш” амалий лойиҳаси ана шундай мақсад ва вазифалар ижросига қаратилган. Ушбу лойиҳа доирасида умумтаълим мактабларининг 5–11-синфлари учун “Ўзбек тилининг омонимлари ўқув лугати”, “Ўзбек тилининг паронимлари ўқув лугати”, “Ўзбек тилининг морфем ўқув лугати” услубий қўланмалари ва ўқувчиларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун янги авлод ўқув лугатлари ва уларнинг мобиль иловалари яратилади.

“Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитишнинг методик таъминоти бўйича электрон платформа яратиш” амалий лойиҳаси ўзбек тилини хорижий тил

веб-сайт ва ios, Android платформалари учун мобиль илова яратишдан иборат. Энциклопедик хусусиятга эга бўлган ушбу лойиҳа натижасида ўзбек фольклори тарихи ва тараққиётини бугунги кун талаблари асосида тарғиб этган материаллар тадқиқ этилади, улар асосида илмий нашрлар амалға оширилади, ўзбек фольклорининг ўзига хос хусусиятлари илмий тадқиқот, аудио ва видеоматериаллар воситасида намойиш этилади.

“Ўзбек адабиётининг кўп тилли (ўзбек, рус, инглиз тилларида) электрон платформасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа миллий адабиётимиз тарихи, тараққиёт даврлари, адабий жараёнда кечаётган ўзгаришлар ва жаҳон адабиётида тутган ўрнини тарғиб этишга қаратилган кўп тилли электрон платформа яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбек ва Шарқ тилларини ўзвий равишда тадқиқ қилиш, қадимги қўлёмаларни юртимизга қайтариш ишларини ташкил этиш мақсадиға қаратилган яна бир инновацион лойиҳа доирасида Финляндия, Нидерландия, Франция, Италия, Германия, Австрия каби мамлакатларда сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёмаларнинг маълумотлар базаси шакллантирилади, қўлёмаларнинг илмий тавсифи, “Yevroticologika.uz” веб-сайти яратилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги иктидорли ёш олимларнинг илмий-инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ ёш олимларнинг амалий ва инновацион лойиҳалари танловини эълон қилган эди. Танловнинг асосий мақсади иктидорли ва истеъдодли ёш олимларнинг илмий тадқиқот фаолиятини натижалари ва ташаббусларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий изланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамда салоҳиятли ёшларни илм-фанга кенг жалб этишдан иборат. Мазкур танловда бошқа фанлар билан ҳамбарчас тарзда ўзбек тили тадқиқотини олиб бориш масаласига мисол сифатида “Математика фанидан ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларидаги изоҳли лугат онлайн платформасини яратиш” инновацион лойиҳасини келтиришимиз мумкин. Бу лойиҳа натижасида улзускиз таълим тизимида математика фанига оид атамаларнинг ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларидаги изоҳли лугатлар базасини яратиш, онлайн платформага босқичма-босқич равишда математика фанига оид атамаларни тушуниришнинг анимацион (видео) файлларини жойлаштириб бориш, математика фанига оид атамаларнинг ўқув-услубий таъминотини яратиш, онлайн платформанинг мобиль иловасини яратиш кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ватан, халқ келажаги, ўзлиқни англаш, ўз она тилининг софлигини таъминлаш йўлида оғоҳ, фидокор бўлмаслик мумкин эмас. Бу даъваткор сўзлар ҳақ вақт ўз аҳамиятини йўқотмайди. Чўнки қадрияти мустаҳкам халқимиз тилимизга эътиборини ҳеч ҳам сусайтирмайди.

